



halol.uz

Чўчқа гўшти очикчасига хавфли, шунинг учун у ҳаром қилинган

Чўчқа барча санитария-гигиена меъёrlарига риоя килган холда энг кулай шароитда чўчқа бокилган бўлса хам, барибир унинг гўшти ейишга рухсат этилмайди ва бу такикка риоя килиш хар бир мусулмоннинг бурчи бўлиб колаверди.

Маълумки, кўплаб диний кўрсатмалар чўчқа гўштини истеъмол килишни такиклайди. Яхудийлар Тавроти ва насронийлар "Мусонинг учинчи китоби" га кўра, чўчқа гўшти "нопок", чунки чўчқа "кавш кайтармайди". Куръон матнида чўчқа гўштини истеъмол килиш камида тўрт марта кораланади. Бу такикнинг бевосита сабаби номланмаган, аммо кўпчилик мусулмонлар чўчқа кўплаб касалликларнинг ташувчиси эканлигига ишонишади.

Муқаддас матнлар ҳаклиги

Гарчи фан ва дин камдан-кам умумий нукталарга эга бўлсада, катор динларнинг чўчка гўштига салбий муносабати кўплаб илмий асосларга эга.

Чўчкалар деярли хамма нарсани ейдиган ифлос, нопок хайвонлардир: чириган озик-овкат, сийдик ва нажасдан тортиб ириётган, пашша личинкаларига тўла жасадлар ва саратон ўсимталарагача ейди. Бу ўлакса билан озикланадиган хайвонларнинг мохияти бўлиб, хатто уларни органик, экологик тоза чорвачиликда етишириш хам уларнинг табиатини ўзгартирмайди.

Агар чўчканинг овкат хазм килиш тизими унинг танасидан токсинларни чикариб ташлашни таъминлаганида эди, бу жирканч рацион одамлар учун муаммо бўлмасди. Лекин муаммо шундаки, у бундай килмайди. Ўсимлик озукасини хазм килиш учун 24 соатгача вакт ажратадиган сигир, кўй, эчки каби кавш кайтарувчилардан фаркли ўларок, чўчкалар ифлос овкатларини атиги тўрт соат ичидаги хазм киладилар. Бу вакт токсинларни йўқ килиш учун етарли эмас, шунинг учун заарли моддалар чўчка ёғ хужайралари ва органларида тўпланади. Бундан хам ёмони, чўчкада тер безлари йўқ (бу тананинг детоксификация жараёнининг мухим иштирокчилари), демак, токсик баласт тўпланиб боради.

Шунинг учун чўчка одамарга юкиши мумкин бўлган паразитлар, вируслар ва бошка заарли микроорганизмлар учун "уй" бўлиб, улар орасида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Чўчка солитери (чўчка гижжаси) — цистицеркоз (тўқималар инфекцияси), шунингдек, иштаха йўколишига олиб келувчи ичак паразити;

Менангле вируси (бу вирусга чалинганлик аломатлари: юкори хорат, тошма, калтираш, терлаш, 10-14 кун давомида бош огриги);

Гепатит Е — сарик, чарчок ва кўнгил айнишига олиб келиши мумкин жигар вирусли яллигланиши. Сурункали холатлар фиброз ва жигар циррозига олиб келиши мумкин;

Трихинелла — юкори иситма, дармонсизлик, шиш, мушак огригига олиб келиши мумкин бўлган юмалок паразит курт;

Иерсиния энтероколитика — АКШ истеъмолчилар иттифоки нашри Consumer Reports томонидан ўtkazilgan тадқикот жараёнида текширилган хом чўчка гўштининг 69%ида аникланган бактерия. Ушбу бактерияни юктириб олиш ошкозон-ичак касалликлари, иситма ва енг кўп холларда ўлимга олиб келиши мумкин.

бундан ташкари, бошка гўшт турларининг аксариятидн фаркли равишда, чўчка гўштига иссилик билан ишлов берш бу организлар тухумларини йўқ килишни кафолатламайди. Хатто музлатилган чўчка гўшти хам бу организмлар, айникса, куртлардан холи бўлмайди. Натижада, хатто энг яхшилаб ковурилган чўчка гўшти хам вируслар ва паразитлар тўла инфекция манбаи бўлиши мумкин.

манба: Muslim Village
Абу Муслим таржимаси